

# ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УНИ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11403968>

Каримов Дилшод Тураббоевич  
“Молия” кафедраси ўқитувчи-стажиёр  
Тошкент давлат иқтисодий университетини

**Аннотация:** Суғурта бозори ривожланишининг истиқболларини баҳолаш унинг кучли ва заиф жиҳатлари, имкониятлари ва таҳдидларини аниқлашни талаб қилади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, унинг жаҳондаги ўрни ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларининг кенглиги бугунги кунда қувонарли ҳолат. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар, қичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга берилаётган имтиёзлар, аёллар тадбиркорлики ва шу каби янгиликлар мамлакатимиз рақнақи учун хизмат қилади.


**Калит сўзлар:** Суғурта бозори, суғурта ташиқлот, мулкӣ , суғурта, суғурта тўлов, стратегия, янги механизм, тараққиёт, стратегия.

Суғурта бозори ривожланишининг истиқболларини баҳолаш унинг кучли ва заиф жиҳатлари, имкониятлари ва таҳдидларини аниқлашни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, унинг жаҳондаги ўрни ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларининг кенглиги бугунги кунда қувонарли ҳолат. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар, қичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга берилаётган имтиёзлар, аёллар тадбиркорлики ва шу каби янгиликлар мамлакатимиз рақнақи учун хизмат қилади. Суғурта мамлакат иқтисодий ривожланишининг бир омили сифатида қаралмоқда, ва натижада суғурта бозорини ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш”га қаратилган масалаларга аҳамият берилган<sup>1</sup>. Суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш учун амалдаги суғурта бозорини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup>2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

Ўзбекистон суғурта бозори ва унда мулкый суғурталашни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон суғурта бозорида охириги йилларда кескин ўзгаришларни гувоҳи бўламиз.




### **1-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида жами суғурта мукофотлари суммаси<sup>2</sup>**

Юқоридаги расмда жами суғурта бозоридаги суғурта мукофотлар суммаси келтирилган, унда 2021 йил 2020 йилга нисбатан 1,5 трлн. сўмга ошганлигини кўрамыз.


Суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурта ходисаси рўй берганда суғурта тўловларини тўлаб бериш билан белгиланади. 2021 йил 2020 йилга нисбатан суғурта тўловлари 0,5 трлн. сўмга кўпайиб, 1,2 трлн. сўмни ташкил этган (1-расм).

<sup>2</sup><https://imda.uz/oz/> Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



**2-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида жами суғурта тўловлари суммаси<sup>3</sup>**

Хорижий малакатларда суғурта ташкилотлари сонини таҳлил қиладиган бўлсак Германия суғурта бозорида 400 дан ортиқ суғурта ташкилоти, АҚШ да эса уларни сони 10 000 тага яқин. 5-расмдан кўриниб турибдики мамлакатимиз суғурта бозорида суғурта ташкилоитлар сони бирмунча хорижий мамлкатлардан ортда қолмоқда.



**3-расм. Ўзбекистон суғурта бозорини суғурта класслари бўйича таҳлили<sup>4</sup>**  
**1-жадвал**

<sup>3</sup><https://imda.uz/oz/> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>4</sup><https://imda.uz/oz/> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

**Ўзбекистон суғурта бозорини мулкый суғурта класслари бўйича  
таҳлили<sup>5</sup>**

| Суғурта турлари   | Суғурта мукофотлари |                  | Суғурта тўловлари |                  |
|---|---------------------|------------------|-------------------|------------------|
|   | Йиллар              |                  |                   |                  |
|   | 31.12.2020          | 31.12.2021       | 31.12.2020        | 31.12.2021       |
|   | млн. сўмда          | млн. сўмда       | млн. сўмда        | млн. сўмда       |
| <b>Жами, шу жумладан:</b>                               | <b>2 213 713</b>    | <b>3 732 845</b> | <b>737 586</b>    | <b>1 232 326</b> |
| <b>Мажбурий суғурта, шу жумладан:</b>                   | <b>360 938</b>      | <b>502 354</b>   | <b>133 654</b>    | <b>190 877</b>   |
| иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги (аннуитет)        | 22 903              | 25 696           | 5 660             | 8 563            |
| иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги                   | 102 062             | 165 596          | 54 125            | 56 087           |
| транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги | 175 435             | 229 124          | 67 486            | 118 407          |
| ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги                   | 6 273               | 6 319            | 138               | 176              |
| хавfli ишлаб чиқариш объектлари                         | 16 061              | 18 443           | -                 | 32               |
| қурилиш-монтаж қалтисликлари                            | 25 735              | 42 112           | 1 395             | 70               |
| Бошқалар  | 12 469              | 15 063           | 4 851             | 7 544            |

Хулоса қилиб айтсак суғурта бозори ривожланишининг истиқболларини баҳолаш унинг кучли ва заиф жиҳатлари, имкониятлари ва таҳдидларини аниқлашни талаб қилади. Суғурта компаниялари бозордаги истеъмолчилар айнан қайси суғурта маҳсулотига талаб юқорилигини аниқлаш ва шунга қараб бозорга инновацион маҳсулотларини чиқаришдан иборат.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2023 йил //lex.uz/uz/
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. - Халқ сўзи, 2002 йил 1 феврал. //lex.uz/uz/
3. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги ЎРҚ-358-II-сон Қонуни. //lex.uz/uz/
4. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги

<sup>5</sup> <https://sugurtabozor.uz/>

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 413-сонли қарори. //lex.uz/uz/

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарори.

